

# **Бану Ҳошимга, уларнинг мавлолариға закот ҳалол эмас | Фиқҳ дарслари (324-дарс)**



19:00 / 10 апрель 625

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг оли байтлариға ва уларнинг мавлолариға закот ҳалол эмас.

????? ?????? ?????????????? ?????? ?????? ?????? ?????? ? ??????:

?????? ?????????? ?????? ?????? ?????? t ?????????? ????

?????? ?????????????? ?????? ?????? ?????? ??? ???????

????????? ?????????????? ?????? ?????? ?????? ??????????

?????????: «????? ???»? ?????????????? ????

?????: «????? ?????????? ?????? ??? ??????????

?????????????». ??????? ?????????????? ??????????????:

«????? ?????? ?????? ??? ?????? ?????? ??????

?????????????».

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Ҳасан ибн Али розияллоҳу анҳу садақанинг хурмосидан бир дона олиб, оғзига солди. Бас, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қиҳ-қиҳ!» деб ташлатмоқчи бўлдилар. Сўнгра:**

**«Биз садақа емаслигимизни сезмаганмидинг?!» дедилар».**

*Икки шайх ривоят қилишган.*

*Муслимнинг ривоятида:*

**«Бизга садақа ҳалол эмаслигини билмасмидинг?!» дедилар»,**  
дейилган.

Бундан Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг оли байтлари садақа ейиши мумкин эмаслиги келиб чиқмоқда.

Имом Муслимнинг ривоятидан ейишли, бошқами, барибир, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг оли байтларига садақа ҳаром экани маълум бўлмоқда. Шунинг учун закот уларга ҳаром эканида ҳеч шубҳа қолмайди.

???? ?????? ?????? ?????? ?????? ??????: ????? ????????

????? ?????? ?????? ?????? ?????????? ?????????? ??????

?????????? ?????????????????? ??????: «????????? ????

????????? ???? ?????????????? ??????????????».

*Анас розияллоху анҳудан ривоят қилинади:*

**«Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам йўлда кетаётиб, хурмо донаси ёнидан ўтдилар ва:**

**«Агар садақа бўлмаганида, уни еган бўлар эдим», дедилар».**

*Муслим ва Абу Довуд ривоят қилишган.*

Аллоҳ таоло Набиимиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзларига ҳам садақани ҳаром қилгандир.

????? ?????? ??????? ?????? ?????? ?????? ??????: ??????  
?????????? ?????? ?????? ?????? ?????????? ?????????? ??????????  
????? ?????? ?????? ?????? ?????????????? ?????? ?????? ??????  
?????????? ?????? ?????? ?????? ?????????? ??????: ?????????? ??????  
?????????? ?????? ?????? ?????? ?????????? ??????: ?????? ??????  
?????????? ?????? ?????? ?????? ?????? ?????????? ?????????? ??????????  
????????????? ?????? ?????? ?????? ?????????????? ??????????: ??????????  
«????? ?????? ?????????? ?????? ?????? ?????????????? ?????? ??????  
??? ?????? ?????? ?????? ??????????».

????????? ?????????????????? ??????????????.

Абу Рофеъ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Бану Махзумдан бир кишини закот тўплагани юбордилар. Бас, у Абу Рофеъга: «Мен билан бирга юр, у(закот)дан насибадор бўласан», деди. У: «Олдин Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан сўраб кўрай», деди ва бориб сўради. Бас, у зот:**

**«Қавмнинг мавлоси улардандир. Албатта, бизга садақа ҳалол бўлмайди», дедилар».**

Абу Довуд ва Термизий ривоят қилишган. Термизий саҳих деган.

«Мавло» дегани озод қилинган қулдир. Абу Рофеъ ҳам Набийимиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мавлоларидан эди. Шунинг учун ҳам унга садақа ҳалол бўлмайди.

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг оли байтлари кимлар?» дейилгандা:

Шофеъий раҳматуллоҳи алайҳи: «Бану Ҳошим ва Бану Муттолиблар», дейди.

Абу Ҳанифа ва Молик раҳматуллоҳи алайҳилар эса: «Фақат Бану Ҳошим. Бану Ҳошим эса Али, Ақийл, Жаъфар, Аббос ва Ҳориснинг авлодлариидир», деганлар.

Бу ҳукмда катта ҳикмат ўз аксини топган. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзлари ҳам садақа олмасликлари, оли байтларига ҳам садақа олишга рухсат бермасликлари билан нафсларини покиза тутиб, иффатли ҳолда туришда бошқаларга ўrnak бўлишни ирода қилганлар. Нима бўлганда ҳам, кишиларнинг садақасини олганлар уларнинг миннатларига ҳам қоладилар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларининг ҳам, оли байтларининг ҳам ана шундай миннатга қолишларини хоҳламаганлар.

Иккинчидан, Набийимиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзлари садақа олсалар ва оли байтларига садақа олишга рухсат берсалар, турли-туман

ноҳақ гумон ва гап-сўзлар келиб чиқиши мумкин эди. Баъзи бир оғзига кучи етмаганлар, Худодан умиди йўқлар: «Набий закот ва ихтиёрий садақаларни ўзи ва оли байтининг манфаатини кўзлаб шариатга киритган», дейишлари ҳам эҳтимолдан холи эмас эди.

**«Кифоя» китобининг иккинчи жузи асосида тайёрланди**

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7013-рақамли холосаси асосида чоп этилган.